

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

АБДИГАПБАРОВ АЗАМАТ САИМБЕТОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ШЎРЛАНГАН
ТУПРОҚЛАРДА ОШ ЛАВЛАГИ (*Beta Vulgaris* L.) ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНинг АЙРИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Абдигапбаров Азамат Саймбетович

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шўрланган тупроқларда ош
лавлагги (*Beta Vulgaris L.*) етиштириш технологиясининг айрим
элементларини такомиллаштириш 3

Абдигапбаров Азамат Саймбетович

Совершенствование некоторых элементов технологии выращивания
столовой свёклы (*Beta Vulgaris L.*) в условиях засоленных почв
Республики Каракалпакстан 21

Abdigapbarov Azamat Saimbetovich

The improvement of some elements of the technology for growing red beet
(*Beta vulgaris L.*) in the conditions of saline soils of the republic of
Karakalpakstan..... 39

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

АБДИГАПБАРОВ АЗАМАТ САИМБЕТОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ШЎРЛАНГАН
ТУПРОҚЛАРДА ОШ ЛАВЛАГИ (*Beta Vulgaris* L.) ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНING АЙРИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx664-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Қорақалпоғистон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyoueb», Ахборот-таълим порталида (www.ziyoueb.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Адилов Махсуд Мирваситович, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дустмуратова Саодат Исмаиловна кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Бўстонов Зокиржон Таджибоевич кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 18 март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz, Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 552092-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 4 март кун тарқатилди.
(2025 йил 21 январдаги №1-рақамли реестр баённомаси).


Ш.Н. Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент


С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хотидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича бугунги кунда ош лавлаги 2 469 минг гектар майдонга экилиб, 71,107 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилмоқда, ўртача ҳосилдорлик 28,8 т/га ташкил этади. “Россия, Швеция, Англия, АҚШ, Япония, Хитой, Ирландия, Исроил, Белгия ва бошқа давлатлари сабзаотчилигида ош лавлаги асосий экинлардан бири ҳисобланади”¹. Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида энг асосий сабзаот экинларидан бўлган ош лавлагини Ўзбекистонда, айниқса, шўрланган тупроқларда етиштириш долзарб муаммолардан биридир.

Бугунги кунда Россия Федерацияси, АҚШ ва Европанинг қатор давлатларида сабзаотлар хилма-хиллиги ва турларини кўпайтириш борасида ош лавлагини ноқулай иқлим шароитларга мос яратилган навлари ва такомиллаштирилган агротехнологиялари ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, экспорт салоҳиятини оширишда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига турли ноқулай омилларга, айниқса, шўрланган майдонларда етиштиришга чидамли, мослашувчан нав ва дурагайларини яратиш ҳамда танлаш, шунингдек, етиштириш технологиясини айрим элементларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқ шароитларида кўплаб сабзаот экинларини етиштиришнинг агротехнологиялари ишлаб чиқилган ва муайян натижаларга эришилган. Бироқ ош лавлаги навларини етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн. тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзаот бўйича 28 фоизга етказиш”²га алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис, шўрланган майдонларда етиштиришга мос ош лавлаги нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36-сон “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони; 2023 йил 05 апрелдаги ПҚ-113-сон “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹FAO, 2023, Food and Agriculture Organization of United Nations (<http://fao.ru>)

²<https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муамонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ош лавлаги навларини танлаш, етиштириш технологияларини такомиллаштириш бўйича Yan Liu (Хитой), V.Guldiken (Туркия), M.Roviq (Эрон), D.Vabarykin (Латвия), Т.А.Дьякина, А.В.Хрипченко, М.Ш.Гаплаев, А.Г.Абрамов, С.А.Ветрова, С.Г.Труш, Д.В.Соколова, В.А.Гуменный, А.Н.Калинин, Б.Г.Ахияров (Россия); Ш.М.Велямов (Қозоғистон) ва бошқа мамлакатларда кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда ош лавлаги навларини яратишда М.Х.Арамов, навларнинг агробиологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари М.М.Адилов, Р.Б.Салаев, Г.А.Эргашовлар томонидан олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Мевачилик, сабзавотчилик ва полизчилик” кафедрасининг № 2-2 рақамли “Қорақалпоғистонда сабзавот ва полиз экинлари турларини етиштиришнинг инновацион технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ІІ-632204154-рақамли «Оролбўйи ҳудудида сабзавот (ош лавлаги, сабзи, оқбош карам) ва картошка навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, маҳсулот етиштиришнинг замонавий агротехнологияларини жорий этиш» (2022-2023 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида ош лавлаги (*Beta Vulgaris* L) нав намуналарини тўпламини қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш, истиқболли навларини танлаш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

шўрланган майдонларда баҳорги ва ёзги экинда ош лавлагини нав намуналарини ўрганиш ва истиқболли навларини танлаш;

ош лавлаги нав намуналарини уруғларининг унувчанлиги ва ўсиш қувватини аниқлаш;

ош лавлагини баҳорги ва ёзги экинда мақбул экиш муддатини аниқлаш;

баҳорги ва ёзги экинда ош лавлаги уруғини қулай экиш чуқурлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ош лавлагининг “Бордо-237”, “Диёр”, “Ягона”, “Детройт”, “Бикорес”, “Хавская”, “Египетская плоская”, “РСМ-

025026” навлари ва “Боро F₁”, “Цеппо F₁”, “Бонд F₁”, “Акела F₁” дурагайларининг уруғлари, ўсимликлари, барглари ва илдизмевалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ош лавлагини баҳорги ва ёзги мавсумларда “Ягона” навини 8 та экиш муддати (20/III (назорат), 30/III, 10/IV, 20/IV, 1/VI, 10/VI (назорат), 20/VI, 30/VI) ва 4 та экиш чуқурлигида (2 см, 3 см, 4 см (назорат) ва 5 см) уруғлари унувчанлиги, ўсимликларини ўсиб-ривожланиши, илдизмева вазни ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б., 2002), “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте” (1987), “Методика полевого опыта в овощеводстве” (Литвинов С.С., 2011), “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве” (Белик В.Ф., 1992), “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте” (М., 1987. Часть 1), “Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции корнеплодов (свёкла, репа, турнепс, брюква)” (Брежнев Д.Д., 1977), “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (М., 1975. Часть 4), “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве” (М., 2019) услубий қўлланмалари ва ОСТ 46-71-78 асосида олиб борилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили “Excel 2010” ва “Statistica 7.0 for Windows” компьютер дастурида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан “Методика полевого опыта” (Доспехов Б.А., 1985) дисперсион усули бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқларида ош лавлагини “Ягона” навида баҳорги ва ёзги экиш муддатларида илдизмева вазни 144-146 г, бир тупдаги барглари сони 13,5-14,6 дона, барглари узунлиги 20,9-23,6 см ва эни 15,4-15,5 см ни ташкил этиб бошқа ва нав намуналари тўплами қимматли хўжалик белгилари баҳоланган;

шўрланган майдонларда етиштиришда “Ягона” нави ўртапишар баҳорги ва ёзги муддатларида товарбон ҳосилдорлик 33,2 т/га - 32,9 т/га ташкил этиб энг яхши нав сифатида ажратилган;

лаборатория шароитида ош лавлагининг “Ягона” навини NaCl – 0,5% ли аралашма концентрациясида уруғлар униб чиқиши 17 %, NaSO₄ – 0,5% ли аралашма концентрациясида 21,5 фоизни ташкил этиб, уруғларни унувчанлиги 53 % ва ўсиш қуввати 77 % га юқори бўлиши исботланган;

шўрланган майдонларда ош лавлагини баҳорги экишда – 30/III, ёзги экишда – 01/VI мақбул экиш муддати эканлиги аниқланган;

баҳорги ва ёзги экишда ош лавлаги уруғларини энг қулай экиш чуқурлиги 3 см эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ош лавлаги нав намуналари тўплами баҳорги ва ёзги экиндида ўрганилиб, Қорақалпоғистон шўрланган тупроқ шароитига мос истиқболли навлари

ажратилган;

маҳаллий навдан “Ягона” нави уруғлари унувчанлик даврида тузли аралашмаларнинг концентрацияларига қолган навларга нисбатан бардошли эканлигини кўрсатилган, унга яқин натижалар “Диёр” ва “Детройт” навларида намоён бўлган;

ош лавлагининг “Ягона” навини баҳорги ва ёзги экинда энг юқори товарбоп ҳосилдорлик 30 март (30,1 т/га) ҳамда 1 июн (34,5 т/га) экиш муддатида намоён қилиб, энг юқори рентабеллик мос равишда 100,4 ва 125,3% бўлганлиги аниқланган;

ош лавлагини баҳорги ва ёзги экинда етиштиришда уруғни 3 см экиш чуқурлигида энг юқори товарбоп ҳосилдорлик (21,5 ва 33,8 т/га) ва рентабеллик (48,8 ва 121,4%) бўлганлиги илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Дала тажрибалари мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларини халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шўрланган тупроқларда етиштирилган ош лавлагининг нав намуналари тўплами ўсиши, ривожланиши, морфологик ва хўжалик белгилари тадқиқ этилганлиги; республикамиз иқлим шароитига мос истиқболли навлари танланганлиги, уруғларини турли экиш чуқурлиги ва муддатларида ўсиб ривожланиши ўрганилганлиги ва шундан келиб чиқиб мақбул экиш муддатлари тавсия этилганлиги, ушбу экиннинг муҳим белгилари ўртасида корреляцион боғлиқликларнинг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шўрланган майдонларда етиштириш учун ош лавлагининг “Ягона” нави, унга яқин кўрсаткичлар билан “Диёр” ва “Детройт” навлари ажратилганлиги ва “Ягона” навини етиштириш технологиясининг айрим элементлари, яъни баҳорги, ёзги мақбул экиш муддатлари ҳамда уруғларни экиш чуқурлиги ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шўрланган тупроқларда ош лавлагини (*Beta Vulgaris* L.) етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

“Ас ләблебини жетистириў технологиясы (Өндирикске усыныс)” бўйича (қорақалпоқ тилида) тавсиянома тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 4 июндаги 03/026-2112-сонли

маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар бугунги кунда Қорақалпоғистон шароитида агрокластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа эгалари экин майдонларида ош лавлагини етиштириш ва ундан юқори ҳосил олишда қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

ош лавлагининг “Ягона” навини мақбул баҳорги ва ёзги экиш муддатлари Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткул туманидаги “Mansur-МММ” фермер хўжалигида 3,3 гектар, “Namunalі Timur” фермер хўжалигида 3,79 гектар, Чимбой туманидаги “Орақбай-Полат” фермер хўжалигида 2,73 гектар, “Мақсетбай Тамара” фермер хўжалигида 2,74 гектар, “Досберген-Қосберген” фермер хўжалигида 2,76 гектар, Нукус туманидаги “Ахматшах” фермер хўжалигида 1,04 гектар, жами 16,36 гектар майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 4 июндаги 03/026-2112-сонли маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида майдон бирлигидан энг юқори ҳосилдорлик ош лавлагининг “Ягона” навида баҳорги 1-апрелдаги экиш муддатларида ўртача гектарига 34,8 тонна ва ёзги 1-июндаги экиш муддатида ўртача гектарига 36,4 тонна ҳосил олишга, етиштирилган маҳсулотдан ўртача 14,4 млн. сўм юқори даромад олишга ҳамда рентабеллик даражасига кўра, 103,7% иқтисодий самарадорликка кўтариш имконини берган;

ош лавлагини (*Beta vulgaris* L.) Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ иқлим шароитида таклиф этилган уруғини экиш чуқурлиги Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткул туманидаги “Mansur-МММ” фермер хўжалигида 1,2 гектар, “Namunalі Timur” фермер хўжалигида 0,56 гектар, Чимбой туманидаги “Орақбай-Полат” фермер хўжалигида 1,18 гектар, “Мақсетбай Тамара” фермер хўжалигида 1,94 гектар, “Досберген-Қосберген” фермер хўжалигида 1,11 гектар, Нукус туманидаги “Ахматшах” фермер хўжалигида 0,82 гектар, жами 6,82 гектар майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 4 июндаги 03/026-2112-сонли маълумотномаси). Натижада, майдон бирлигидан энг юқори ҳосилдорлик ош лавлагининг “Ягона” навида уруғларни экиш чуқурлиги бўйича ўрганилганда бунда энг оптимал варианты 3 см чуқурликда экилган уруғларни яхши натижа ва ҳосил берганлиги, бунда баҳорги экиш муддатларида ҳосилдорлик ўртача гектарига 32,4 тонна ва ёзги экиш муддатда эса ўртача ҳосилдорлик гектарига 33,5 тонна, ўртача 14,2 млн. сўм юқори даромад олишга имконини берган. Майдон бирлигидан ош лавлагининг “Ягона” навидан иқтисодий самарадорлик ҳисобланганда рентабеллик даражаси 62-74% самарадорликка кўтариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий-тадқиқот натижалари 12 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва нашр қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган асосий илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан,

4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, халқаро конференцияларда 12 та, жумладан, 4 таси хорижий конференцияларда, 8 таси республика конференцияларида нашр этилган, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, имий-тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, имий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Ош лавлагининг келиб чиқиш классификацияси ва экиш муддатлари ҳамда экиш чуқурлигига оид илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида ош лавлагининг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда чет эллик олимларнинг маълумотларига асосланиб ош лавлаги ўсимлигининг морфобиологик тавсифи, дунёнинг турли минтақаларида уни етиштириш технологияси, жумладан экиш муддатлари ва схемалари, очиқ майдонларда етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кенг тарқалган навлари ва уларнинг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услуги”** деб номланган иккинчи бобида диссертация мавзуси юзасидан дала тажрибалари ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Ушбу бобда тадқиқотлар мавзуси юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказилиш усуллари, дала тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Шўрланган майдонларда баҳорги ва ёзги экинда ош лавлаги нав намуналарини ўрганиш ва истиқболли навларни танлаш”** деб номланган учинчи бобининг **“Ош лавлаги нав намуналарини уруғларининг унувчанлиги ва ўсиш қувватини аниқлаш (лаборатория шароитида)”** деб номланган бўлимида ош лавлагини нав ва дурагай уруғларини лаборатория шароитида турли тузли концентрациядаги аралашмаларда ундирилиб ва унувчанлик натижаларига баҳо берилган.

Тадқиқотлар натижасида лаборатория шароитида ош лавлаги нав

намуналарининг уруғларини натрий хлор ва натрий сульфат тузларини 0,3% ва 0,5% концентрациясида ундиришда “Бордо-237” (st) навини уруғларини NaCl 0,5% аралашмасида унувчанлик пасайганлиги (9%), аксинча, маҳаллий “Ягона” ва “Диёр” навларида 17% уруғлар униб чиқиб, яъни, стандарт навга нисбатан “Ягона” навида уруғларини унувчанлиги 53% ташкил қилди. Аммо, энг паст унувчанлик “Хавская” нави (6%) “Бордо-237” (st) навига таққосланганда 66,0 фоизга кам бўлганлигини маълум бўлди. Шунингдек, маҳаллий навларни унувчанлиги 17-24,5 % бўлган бўлса, хорижий нав ва дурагайларники 6-8,5% ташкил этди.

Ош лавлаги нав ва дурагайларини NaSO₄ тузларини 0,3-0,5% концентрацияларида энг юқори уруғларни унувчанлиги 0,5 % концентрацияда “Ягона” навида – 21,5% ва энг кам унувчанлик “Боро F₁” дурагайида – 10,5% намоён қилиб, “Бордо-237” (st) навига таққосланганда 63,0% кам бўлганлигини аниқланди. Ушбу концентрацияларда фақат сульфат натрида маҳаллий навларни унувчанлиги 21,5-22% бўлган бўлса, хорижий нав ва дурагайларда 10,5-17,5% ташкил этди.

Демак, маҳаллий “Ягона”, “Диёр” навлари ҳамда хорижий “Бордо-237”, “Детройт” навлари ва “Цеппо F₁” дурагайи уруғларини унувчанлик даврида тузли аралашмаларнинг концентрацияларига қолган навларга нисбатан бардошли эканлигини кўрсатди. Лекин, “Детройт” ўз туркумидаги навлардан шўрга чидамлилиги бўйича устун бўлган бўлса, маҳаллий навларнинг ҳар бирига таққосланганда яхши натижа бермади.

“Шўрланган майдонларда баҳорги ва ёзги экинда етиштиришга мос ош лавлаги нав намуналарини ўрганиш” деб номланган бўлимида Қорақалпоғистон шароитида баҳорги экинда ош лавлаги нав намуналарнинг майсалар тўлиқ униб чиққандан то илдизмеваларнинг техник пишишигача ўсув даври давомийлиги 85-90 кун ҳамда ёзги экиш муддатларида эса 76-80 кун оралиғида бўлганлиги аниқланди. Баҳорги экинда экилган барг узунлиги ва эни “Бордо 237” (st) навига (18,7 ва 13,3 см) нисбатан энг узун барг ва эни “Ягона” нави (20,9 ва 15,4 см) ва “Боро F₁” дурагайида (19,3 ва 14,5 см) шаклланган бўлса, қолган нав ва дурагайларда барг узунлиги 77,1 фоиздан 101,7 фоизгача паст бўлганлиги аниқланди. Барг энида ҳам худди шундай қонуният сақланганлиги маълум бўлди. Баҳорги ва ёзги экинда “Бордо 237” (st) навининг илдизмеваси узунлиги (8,1 ва 7,1 см) нисбатан “Ягона” нави (9,2 ва 8,1 см) – 1,1-1,0 см ва “Боро F₁” дурагайи (8,6 см) – 0,5 см баланд бўлиб, илдизмева диаметрида ҳам худди шундай қонуният сақланди. Аксинча, ўрганилаётган қолган нав ва дурагайларда илдизмева узунлиги ва диаметри “Бордо 237” (st) навдан 3,8 фоиздан 30,9 фоизгача паст бўлганлиги аниқланди.

Ош лавлаги нав намуналаридан майдон бирлигидан энг юқори умумий ҳосилдорлик баҳорги ва ёзги экинда “Ягона” (36,3 ва 38,9 т/га), нави намоён қилиб, “Бордо 237” (st) навига (32,7 ва 33,9 т/га) нисбатан мос равишда 3,6 ва 5,0 т/га юқори бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, ош лавлагининг “Диёр” (33,9 ва 34,4 т/га) ҳамда “Детройт” (33,3 ва 34,6 т/га) навлари “Бордо 237” (st) навининг умумий ҳосилдорлигига нисбатан мос равишда 1,2 ва 0,5 т/га ҳамда

0,6 ва 0,7 т/га юқори бўлган бўлса, қолган нав намуналарида умумий ҳосилдорлиги 21,6-32,3 т/га ёки 13,8-34,0% кам бўлганлиги аниқланди.

Баҳорги ва ёзги экинда ош лавлагининг майдон бирлигидаги энг юқори товарбоп ҳосилдорликни “Ягона” нави (мос равишда 33,2 ва 32,9 т/га) шаклланган бўлса, “Диёр”, “Детройт” навлари ва “Боро F₁” дурагайи баҳорги экиш муддатида (мос равишда) 32,3; 31,6 ва 31,5 т/га ҳамда ёзги экинда 32,6; 32,5 ва 32,0 т/га намоён қилди. Бироқ, ош лавлагини “Бордо 237” (st) навининг товарбоп ҳосилдорлигига нисбатан бошқа нав намуналарни товарбоп ҳосилдорлиги баҳорги ва ёзги экинда – 0,1-12,8 т/га га кам бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Баҳорги ва ёзги экинда ош лавлаги нав намуналарининг умумий ва товарбоп ҳосилдорлиги

Нав намуналарини номи	Умумий ҳосилдорлик, т/га					Товарбоп ҳосилдорлик		Илдиз-мева вазни, г
	2019 й	2020 й	2021 й	ўртача	st навга нисбатан, %	т/га	st навга нисбатан, %	
Баҳорги экиш муддати								
Бордо 237 (st)	32,3	32,7	33,2	32,7	100,0	31,2	100,0	137
Диёр	33,4	33,9	34,3	33,9	103,6	32,3	103,5	142
Ягона	35,8	36,3	36,9	36,3	111,1	33,2	106,4	144
Детройт	32,8	33,4	33,8	33,3	101,9	31,6	101,3	139
Бикорес	31,7	32,4	32,9	32,3	98,9	30,7	98,4	135
Хавская	28,5	27,4	28,8	28,2	86,3	26,6	85,3	117
Египетская плоская	32,5	33,1	33,7	33,1	101,2	31,1	99,7	136
РСМ-025026	21,2	22,0	21,8	21,7	66,3	18,4	59,0	105
Боро F ₁	32,4	33,6	34,4	33,5	102,3	31,5	101,0	138
Цеппо F ₁	22,2	23,2	22,0	22,5	68,7	19,5	62,5	102
Бонд F ₁	28,3	27,2	28,6	28,0	85,7	25,6	82,1	127
Акела F1	29,8	29,2	28,9	29,3	89,6	25,9	83,0	135
ЭКФ ₀₅	1,51	1,41	1,32	1,48				
Sx%	0,15	0,14	0,13	0,14				
Ёзги экиш муддати								
Бордо 237 (st)	33,4	33,9	34,4	33,9	100,0	31,9	100,0	142
Диёр	34,0	34,4	34,8	34,4	101,5	32,5	101,9	144
Ягона	38,3	38,9	39,5	38,9	114,7	32,9	103,1	146
Детройт	34,1	34,6	35,1	34,6	102,1	32,6	102,2	145
Бикорес	31,7	32,0	32,8	32,1	94,9	30,7	96,2	134
Хавская	29,4	30,1	30,9	30,1	88,9	28,6	89,7	122
Египетская плоская	33,1	33,6	31,9	32,8	97,0	31,8	99,7	137
РСМ-025026	21,1	21,8	22,4	21,7	64,2	19,2	60,2	104
Боро F ₁	33,0	33,2	34,1	33,4	98,6	32,0	100,3	140
Цеппо F ₁	23,5	23,8	23,2	23,5	69,3	20,1	63,0	115
Бонд F ₁	29,8	30,2	31,1	30,3	89,6	27,3	85,6	141
Акела F1	30,1	29,1	31,0	30,0	88,7	27,1	85,0	138
ЭКФ ₀₅	1,51	1,44	1,26	1,36				
Sx%	0,14	0,14	0,12	0,13				

Ош лавлагининг “Бордо 237” (st) навиға (137 ва 142 г) нисбатан энг йирик


илдизмева вазни баҳорги экиш муддатида “Ягона” (144 г) ва “Диёр” (142 г) навлари ва ёзги экиш муддатида “Ягона” (146 г), “Детройт” (145 г), “Диёр” (144 г) навларида шаклланганлиги аниқланди. Бироқ, ош лавлаги бошқа нав намуналари эса “Бордо 237” (st) навига (137 ва 142 г) нисбатан 1,0-38,0 г кичик илдизмева вазнини намоён қилди.

Баҳорги экинда назорат “Бордо 237” (st) нави илдизмеваси биокимёвий таркибидаги қуруқ модда миқдори 12,6 %, қанд миқдори 6,1 %, витамин С 14,2 мг/% ва нитратлар 381 мг/кг ташкил этди. Нав намуналари ичида биокимёвий таркиби бўйича энг юқори кўрсаткичлар “Ягона” навида кузатилиб, назорат навга нисбатан қуруқ модда миқдори 14,2%, қанд миқдори 6,9%, витамин С 16,1 мг/% га кўп бўлди ва нитратлар 0,17 мг/кг кам бўлди. Бундай ҳолатни “Ягона” навининг маҳаллий шарт-шароитларга жуда яхши мослашганлигидан деб ҳисоблаймиз.

Майдон бирлигидан ош лавлаги нав намуналарини баҳорги экинда етиштиришда энг юқори соф даромад ва рентабеллик “Ягона” (12,5 млн. сўм ва 118,0%), “Диёр” (11,9 млн. сўм ва 113,0%) навларида, ёзги экинда эса – “Ягона” (12,4 млн. сўм ва 116,4%), “Детройт” (12,2 млн. сўм ва 114,7%) ва “Диёр” (12,1 млн. сўм ва 114,1%) навларидан олинганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон шароитида ош лавлаги етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш”** деб номланган туртинчи бобининг **“Баҳорги экинда ош лавлагини мақбул экиш муддатини аниқлаш”** деб номланган бўлимида “Ягона” навини баҳорги экиш муддатлари битта ўсимликдаги барг сони, баргнинг узунлиги ва энига сезиларли даражада таъсир қилди.

30-март ва 10-апрел экиш муддатларида ушбу белгилар бўйича кўрсаткичлар энг юқори бўлди. Барг узунлиги 20-март экиш муддатида 31,1 см, 30-март ва 10-апрелда 33,6-32,9 см ташкил этди. Баҳорги экинда назорат 20-март экиш муддатида (6,1 ва 5,8 см) нисбатан энг узун ва кенг энли илдизмеваларни 30-март (1,0 ва 0,7 см) ва 10-апрел (0,7 ва 0,5 см) экиш муддатларида шаклланганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Баҳорги экинда ош лавлагини “Ягона” навини барг ва илдизмевасини биометрик кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)

Баҳорги экинда етиштирилган ош лавлагининг энг юқори умумий ва

товарбоп ҳосилдорлиги аниқланганда, энг юқори умумий ҳосилдорлик 30-март ва 10-апрел экиш муддатда бўлиб, у 31,7 ва 30,7 т/га ташкил этди. Бу назорат 20-март экиш муддатига нисбатан мувофиқ равишда 40,4% ва 35,8% юқори бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Умумий ҳосилдорлик 20-апрел экиш муддатда 24,1 т/га бўлиб, энг юқори ҳосилдорликни намоён қилган 30-мартга нисбатан 7,6 т/га кам бўлганлиги маълум бўлди.

2-жадвал

Баҳорги экинда ош лавлагини “Ягона” навининг турли экиш муддатларида умумий ва товарбоп ҳосилдорлиги

Экиш муддати	Умумий ҳосилдорлик, т/га					Товарбоп ҳосилдорлик	
	2019 й	2020 й	2021 й	ўртача	назоратга нисбатан, %	т/га	назоратга нисбатан, %
20-март (назорат)	22,3	22,6	22,8	22,6	100,0	19,8	100,0
30-март	31,2	32,1	31,9	31,7	140,4	30,1	152,0
10-апрел	30,1	31,2	30,8	30,7	135,8	29,1	147,0
20-апрел	24,1	23,9	24,3	24,1	106,6	22,5	113,6
ЭКФ ₀₅	0,76	0,90	0,78	0,83			
Sx%	0,25	0,29	0,25	0,27			

Баҳорги экинда турли экиш муддатлар ўртасида юқори товарбоп ҳосилдорликни 30-март ва 10-апрел экиш муддатларида (30,1 ва 29,1 т/га) шаклланганлиги аниқланди. Аксинча, энг кам товарбоп ҳосилдорликни назорат 20-март (19,8 т/га) ҳамда 20-апрел (22,5 т/га) экиш муддатларида маълум бўлди. Шунингдек, баҳорги экинда турли экиш муддатларда ош лавлагининг умумий ҳосилдорлигини аниқлашда ЭКФ₀₅ – 0,83 т/га ва Sx% – 0,27% намоён қилди.

Баҳорги экинда ош лавлагининг “Ягона” навини илдизмеваси етиштирилганда назорат 20-март (12,1%) экиш муддатига нисбатан курук модда 30-март (14,2%), 10-апрел (14,1%) ва 20-апрел (13,2%) экиш муддатларида (мос равишда) – 17,4; 16,5 ва 9,1% кўп бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, илдизмевадаги қанд миқдори таҳлил қилинганда назорат 20-март (5,8%) экиш муддатига нисбатан 30-март (6,9%), 10-апрел (6,7%) ва 20-апрел (5,9%) экиш муддатларида 19,0; 15,5 ва 1,7% кўп қанддорликни намоён қилди.

Ош лавлагининг “Ягона” нави илдизмевасидаги энг юқори витамин С миқдорини назорат 20-март (15,5 мг%) экиш муддатига нисбатан 30-март (16,1 мг%) ва 10-апрел (15,9 мг%) экиш муддатларида аниқланган бўлса, аксинча, 0,4 мг% кам витамин С миқдори 20-апрел экиш муддатида шаклланганлиги маълум бўлди (15,1 мг%). Шунингдек, илдизмева таркибидаги энг юқори нитрат миқдори назорат 20-март (372 мг/кг) намоён қилиб, унга нисбатан 30-март (364 мг/кг), 10-апрел (362 мг/кг) ва 20-апрел (357 мг/кг) экиш муддатларида (мос равишда) – 8; 10 ва 15 мг/кг кам нитрат тўплаганлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг 4-бобининг “*Ёзги мавсумда ош лавлагини мақбул экиш муддатларини белгилаш*” деб номланган бўлимида ош лавлагини “Ягона” навини ёзги экинда 1-июн, 10-июн (назорат), 20-июн ва 30-июн экиш


муддатларида “экиш-униб чиқиш”, “униб чиқиш-биринчи чинбарг пайдо бўлиши”, “униб чиқиш – 5-6 та барг пайдо бўлиши” каби фенологик фазаларнинг давомийлиги барча муддатларда деярли бир хил бўлди.

Аммо, илдизмеваларнинг ҳосил бўлишидан бошлаб уларнинг ўртасида кескин фарқ сезила бошлади. Биринчи муддатда ёппасига униб чиққандан илдизмеваларнинг ҳосил бўлишигача 36 кун керак бўлган бўлса, тўртинчи муддатда бу кўрсаткич 41 кунни ташкил этди. Тўртинчи муддатда илдизмеваларнинг ҳосил бўла бошлаши биринчи муддатга қараганда 9 кунга кеч кузатилди. Назорат муддатда майсалар ёппасига униб чиққандан истеъмолга яроқли илдизмевалар ҳосил бўлишигача 75 кун талаб этилган бўлса, тўртинчи муддатда бу 87 кунда ёки иккинчи муддатга нисбатан 12 кун кеч амалга ошди. Бундай тенденция барча экиш муддатларида ҳам кузатилди.

Экиш муддатларига қараб амал даври, яъни майсалар ёппасига униб чиқишдан илдизмевалар техник пишиб етилишигача бўлган давр бўйича барча муддатларда ҳам сезиларли фарқ кузатилди. Кейинги экиш муддатларида ош лавлаги ўсимлиги амал даврининг узайиши ҳаво ҳароратининг бироз пасайиши билан боғлиқдир.

Ёзги экинда турли экиш муддатлари ош лавлагининг “Ягона” нави барги ва илдизмева рангига сезиларли таъсири кузатилмади. Ёзги экинда турли муддатларда экилган ош лавлаги барг узунлиги ва эни биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борди. Барг узунлиги 1-июн экиш муддатда 36,9 см бўлиб, бу кўрсаткич 10-июн (назорат) экиш муддатида (35,4 см) нисбатан – 1,5 см, 20-июнга – 3,0 см ва 30-июнга – 5,8 см узун шаклланганлиги аниқланди.

Ёзги экинда турли экиш муддатларида ош лавлагини “Ягона” навинида энг кенг барги эни назорат 10-июн экиш муддатида нисбатан (14,2 см) 1-июн экиш муддатида (14,5 см) шаклланган бўлиб, аксинча, 20-июн (13,3 см) ва 30-июн (12,5 см) экиш муддатларида назорат 10-июнга нисбатан (мос равишда) 0,9 ва 1,7 см кичик бўлганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ёзги экинда бир дона ўсимликдаги энг кўп барг сони 1-июн экиш муддатида (13,7 дона) шаклланган бўлиб, унга нисбатан 10-июнда (назорат) – 0,5 дона, 20-июнда – 0,9 дона ва 30-июнда – 1,6 дона кам бўлганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Ёзги экинда ош лавлагини “Ягона” навини барг ва илдизмевасини биометрик кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)

Ош лавлаги илдизмева узунлиги 1-июн экиш муддатида – 7,1 см, 10-июнда (назорат) – 6,1 см, 20-июнда – 5,8 см ва 30-июнда – 5,5 см, шунингдек, 1-июнда – 6,3 см, 10-июнда (назорат) – 5,8 см, 20-июнда – 5,3 см ва 30-июнда – 5,1 см диаметрли илдизмевалар шаклланганлиги аниқланди. Ёзги экинда ош лавлагини “Ягона” навида энг оғир илдизмева вазни 1-июнда (127,1 г) ва назорат 10-июнда (116,7 г) бўлиб, 20-июн (99,6 г) ва 30-июн (82,3 г) экиш муддатларида кичик илдизмева вазни бўлганлиги аниқланди.

Ёзги экинда 2019-2021 йиллар бўйича ўртача майдон бирлигидан энг юқори умумий ҳосилдорлик 1-июнда – 35,6 т/га бўлиб, назорат 10-июн (32,7 т/га) экиш муддатига нисбатан кам умумий ҳосилдорликни 20-июн (26,7 т/га) ва 30-июн (23,1 т/га) экиш муддатларида аниқланди. Ош лавлагининг ёзги экинда умумий ҳосилдорликда ЭКФ₀₅ – 1,04 т/га ва Sx% – 0,31% ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Ёзги экинда турли экиш муддатида ош лавлагини “Ягона” навининг умумий ва товарбон ҳосилдорлиги (2019-2021 йй.)

Экиш муддати	Умумий ҳосилдорлик, т/га					Товарбон ҳосилдорлик	
	2019 й	2020 й	2021 й	ўртача	назоратга нисбатан, %	т/га	назоратга нисбатан, %
1-июн	34,4	36,5	35,9	35,6	108,9	34,5	110,6
10-июн (назорат)	31,6	33,5	32,9	32,7	100,0	31,2	100,0
20-июн	25,3	26,9	27,9	26,7	81,7	25,3	81,1
30-июн	21,8	24,1	23,4	23,1	70,6	20,1	64,4
ЭКФ ₀₅	0,97	1,18	0,96	1,04			
Sx%	0,30	0,34	0,28	0,31			

Ёзги экинда турли экиш муддатида ош лавлагини “Ягона” навининг 2019-2021-йиллар бўйича ўртача энг юқори товарбон ҳосилдорлик 1-июнда – 34,5 т/га бўлиб, назорат 10-июнга (31,2 т/га) нисбатан энг кам товарбон ҳосилдорликни 20-июн (25,3 т/га) ва 30-июн (20,1 т/га) экиш муддатларида эканлиги аниқланди.

Ёзги экинда турли экиш муддатларида ош лавлаги илдизмевасини биокимёвий таркибига сезиларли таъсир этди. Масалан, биринчи вариантда назорат вариантда нисбатан қуруқ модда миқдори 14,6% назорат ва қолган вариантларга нисбатан бироз юқори бўлиб, қанд миқдори эса 6,6% атрофида бўлди. Аммо қолган муддатларда биринчи муддатга нисбатан илдизмеваларнинг биокимёвий сифат кўрсаткичлари бироз паст натижаларни кўрсатди. Ёзги ўрганилаётган муддатларда илдизмева таркибидаги нитратлар миқдори биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб ортиб борди.

Диссертациянинг 4-бобининг **“Ош лавлаги уруғларини экиш чуқурлигини ниҳолларни униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган бўлимида Қорақалпоғистон шароитида ош лавлаги уруғлари баҳорги ва ёзги экинларда пушталар устига 2 см, 3 см, 4 см ва 5 см чуқурликларда экиб ўрганилди.

Баҳорги экинда уруғ экилган сўнг барча экиш чуқурликларида 10% ниҳоллар 10-15 кунда ва 75 % ниҳоллар эса – 13-19 кунда, ёзги экинда 10% ниҳоллар 7-8 кунда униб чиққан бўлса, 75% ниҳолларни пайдо бўлиши 9-11 кунни ташкил қилди. Шунингдек, 0,5-0,8 см илдизмева ҳосил бўлиши баҳорги экинда экиш чуқурликларида 45-53 кун, ёзги экинда эса 36-45 кунда шаклланган бўлса, истъеомолга яроқли 4-5 см илдизмевалар баҳорги экинда – 89-102 кунда, ёзги экинда эса – 74-87 кунда ҳосил бўлганлиги аниқланди. Ёппасига униб чиққандан то ҳосил йиғиш баҳорги экинда 2 см чуқурликда – 97 кун, 3 см да – 102 кун, 4 см (назорат) – 105 кун, 5 см да – 108 кун, ёзги экинда эса мос равишда 82; 80; 85 ва 92 кунни ташкил қилди.

Уруғни экиш чуқурлиги ош лавлагини барглар баҳорги экинда 2 см чуқурликда – 31,9 см, 3 см чуқурликда – 32,1 см, 4 см (назорат) чуқурликда – 31,5 см ва 5 см чуқурликда – 30,9 см ҳамда ёзги экинда мос равишда – 32,3; 33,6; 31,9 ва 30,1 см узунликда шаклланганлиги аниқланди. Шунингдек, баҳорги экинда ош лавлаги барглариининг эни 2 см чуқурликда – 14,5 см, 3 см чуқурликда – 14,8 см, 4 см (назорат) чуқурликда – 14,1 см ва 5 см чуқурликда – 13,8 см ҳамда ёзги экинда мос равишда – 14,2; 14,8; 13,6 ва 12,1 см ташкил қилди.

Турли экиш чуқурликларида экилган ош лавлагининг “Ягона” навини барги сони бир туп ўсимликда 2 см чуқурликда – 16,1 дона, 3 см чуқурликда – 16,8 дона, 4 см (назорат) чуқурликда – 15,6 дона ва 5 см чуқурликда – 15,1 дона, шунингдек, ёзги экинда мос равишда – 12,5; 12,8; 12,1 ва 11,8 дона шаклланганлиги маълум бўлди.

